

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**«КЕЛИШИЛДИ»**  
Бухоро муҳандислик–технология  
институти ҳузуридаги илмий  
даражалар берувчи  
PhD 30/30.09.2022.1.101.04 рақамли  
илмий кенгаш раиси  
А.Б.Низамов

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил

**ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги ОАК раиси  
А.Т.Юсупов

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил

**08.00.13 – «МЕНЕЖМЕНТ»**

**ихтисослиги бўйича мутахассислик фанидан малакавий имтиҳон**

# **Д а с т у р и**

**Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг  
2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ - сонли қарори**

## КИРИШ

Бугунги шиддатли ўзгаришлар даврида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, олий малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда илм-фаннинг ролини кучайтиришга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари мутахассисларнинг касбий маҳоратини кўтариш ва илмий даражали кадрларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашни тақозо этади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида менежмент соҳасидаги халқаро андозаларни мамлакатимизда илмий даражали кадрлар тайёрлаш таълим тизимида қўллаш бўйича ишларни олиб бориш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу “Менежмент” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастурида келтирилган мавзу ва масалалар инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида менежмент соҳасидаги назарий ва амалий қарашларнинг ҳозирги ҳолатидан ва хорижий мамлакатлар амалиётидан келиб чиқади.

Дастурни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мутахассис кадрлар тайёрлашни тубдан қайта қуриш, олий таълимни тубдан ислоҳ қилишни жадаллаштириш борасида қўйилган масалалар, жумладан “...докторантурага қабул қилиш шартларини белгилашда олий таълим муассасаларига эркинлик бериш, талабгорларни саралаб олишда уларнинг илмий ютуқларига алоҳида эътибор қаратиш”<sup>1</sup> масалалари эътиборга олинди.

Дастурда қўйилган мавзу ва масалалар “Менежмент” ихтисослиги бўйича фан докторлигига талабгорларнинг фақат шу соҳасидаги умумий билим даражасини аниқлаш билан чекланмасдан, балки шу соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш бўйича билимга эга эканлигини намойиш эта олишини талаб қилади. Мазкур масалалар бўйича назарий муаммолар фан докторлигига даъвогарларнинг шахсий қарашларини шаклланишини юзага чиқаришга ёрдам беради. Дастур 08.00.13 – «Менежмент» ихтисослиги паспортига тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу дастур 08.00.13 – “Менежмент” ихтисослиги бўйича мутахассислик фанидан малакавий имтиҳон топширувчи таянч докторантлар ва мустақил изланувчиларга мўлжалланган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги фармони. /“Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 9 октябрь

Тузувчи: Бухоро муҳандислик-технология институти  
Низамов А.Б.– “Менежмент” кафедраси профессори, и.ф.д.  
Заявитдинова Н.М. – “Менежмент” кафедраси мудири, и.ф.н.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **“Менежмент” фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари**

“Менежмент назарияси”, “Менежер” ва “Бизнесмен” тушунчаларининг моҳияти. Фаннинг предмети ва изланиш услублари. Фаннинг моҳияти, мақсад ва вазифалари. Менежмент асосларини ўрганишнинг долзарблиги. Менежмент концепциялари ва уларнинг асосчилари. Бошқарув илмининг ўзига хос хусусиятлари. Бошқарувнинг келажакка йўналтирилганлиги. объектив зарурати. Менежментнинг бошқа фан соҳалари билан алоқадорлиги.

Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитларида менежментни ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

### **Бошқарув тафаккурининг эволюцияси**

Қадимги амалиёт-янги фан. Бошқарувнинг фан соҳаси каби эволюцияси. Бошқаришга тизимлаштирилган қараш. Бошқарувга ёндашувлар. Жараён каби ёндашув. Тартибли ёндашув. Вазиятли ёндашув. Турли мактабларни ажратиш асосидаги ёндашувлар.

Илмий бошқарув (1985-1920). Бошқарувда классик ёки маъмурий мактаб (1920-1950). Инсоний муносабатлар мактаби (1930-1950). Бошқарув фани ёки миқдорий ёндашув (1950-ҳозирги вақтгача).

Ахлоқ фанларининг ривожланиш мактаби. Операциялар тадқиқоти ва моделлар. Миқдорий ёндашувнинг таъсири.

Менежмент назарияси асосчилари. Ф.Тейлор, Г.Форд, Дж.Гильберт, Эмерсон, А.Файоль ва бошқалар ҳақида. Иқтисодиётни бошқариш тизимининг ривожланиши. Менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши, унинг шаклланиш босқичлари. Сўнгги йилларда бошқариш назарияси ва амалиётидаги ўзгаришлар. Турли мулкчилик шакллари ва рақобатчилик шароитида менежмент.

Ўзбекистонда менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши.

### **Менежмент қонуниятлари ва тамойиллари**

Умумий фалсафий диалектик қонунлар. Бошқариш тизимида бозор қонунлари. Бозор иқтисодиёти шароитида менежмент қонунлари ва тамойилларини ўрганишнинг аҳамияти. Бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг мослиги қонуни. Бошқариш функцияларини марказлаштиришнинг нисбий

оптималлиги қонуни. Бошқариш қонунларининг менежмент амалиётида қўлланилиши. Менежмент тамойиллари. Менежмент тамойилларининг таркиби ва моҳияти.

### **Ташкилотлар ва уларни бошқариш**

Ташкилот тушунчаси ва унинг тавсифи. Расмий ва норасмий ташкилотлар. Ташкилотнинг яшаш даври. Ташкилотнинг ички муҳити. Ташкилотнинг ташқи муҳити. Ташкилотнинг ички ва ташқи муҳити омиллари ва ўзгарувчанлиги. Ташкилотлар фаолиятини туркумлаштириш. Ташкилотларнинг янги турлари.

### **Менежмент технологияси**

Бошқарув жараёни ва хусусиятлари. Менежмент технологиялари. Мақсадлар бўйича бошқариш технологияси. Натижалар бўйича бошқариш технологияси. Эҳтиёжлар ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида бошқариш. Махсус вазиятлардаги бошқариш. Фаолиятни активлаштириш асосида бошқариш. Тизимли текширувлар ва фармойишлар асосида бошқариш. Менежмент мақсади. Мақсадлар шажараси. Мақсадли бошқарув усули.

### **Менежмент функциялари**

Бошқарув вазифалари. Менежмент функциялари тушунчаси ва аҳамияти. Менежмент функцияларининг турлари. Режалаштириш. Ташкил қилиш. Мувофиқлаштириш. Назорат. Назорат функцияси ва жараёни. Назоратнинг ҳатти-ҳаракат жиҳатлари ва самарадорлиги. Мотивация. Мотивация назариялари. А.Маслоу бўйича эҳтиёжлар иерархияси. Мотивацияда жараёнли назарияларнинг амал қилиши. Портер-Лоулер модели. Менежментнинг ўзига хос ва аниқ функциялари.

### **Ташкилот ташкилий тузилиши**

Бошқаришнинг ташкилий тузилиши ҳақида тушунча. Бошқариш ташкилий тузилмаларининг турлари. Меҳнатни горизонтал бўлиниши. Меҳнатни вертикал тақсимланиши. Чизиқли тузилма, функционал тузилма, чизиқли-штабли тузилма, чизиқли-функционал тузилма, матрицали тузилма, дивизионал тузилма, лойиҳали тузилма, мақсадли-дастурли тузилма, ташкилий истеъмолчига мўлжалланган ташкилий тузилма, минтақавий тузилмалар. Бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини лойиҳалаштириш. ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш.

## **Менежмент усуллари**

Менежмент усуллари хақида тушунча. Менежмент усулларининг турлари. Бошқаришнинг иқтисодий усули-бозор иқтисоди хўжалигини самарали юритиш асослари. Ташкилий-фармойиш усули, унинг моҳияти ва тавсифи. Ташкилий-фармойиш усулининг бошқарувдаги роли. Ташкилий-фармойиш усулининг табақаланиши. Менежментнинг ижтимоий-руҳий усуллари, уларнинг турлари ва мазмуни. Менежментнинг ахлоқий ва руҳий жиҳатлари.

## **Замонавий менежер**

Менежер ва унинг вазифалари. Менежерларнинг даражалари. Менежмент меҳнатининг мазмуни, характери ва хусусияти. Менежерлар меҳнатини ташкил қилиш. Менежерларнинг ишбилармонлигини баҳолаш. Ишлаб чиқаришнинг турли шароитларида менежернинг иш услуоби. Менежерлар фаолиятини баҳолашда рейтинг тизими. Менежер ва лидер. Замонавий менежер-лидернинг касб-малака модели.

## **Ташкилот маданияти ва раҳбарнинг ундаги роли**

Менежмент маданияти тушунчаси. Менежмент маданиятининг асосий элементлари. Бошқарувда раҳбарнинг роли ва раҳбарлик услублари. Раҳбар фазилатлари ва маданияти. Замонавий босқичда менежер этикаси ва менежер маданияти. Менежернинг имиджи. Ишбилармонлик этикаси. Нутқ маданияти.

## **Ходимларни бошқариш**

Ходимларни бошқариш тизими ва тамойиллари. Ходимларни танлаш ва уларга баҳо бериш. Ижтимоий муносабатларни бошқариш. Ходимларни бошқаришда инсон эҳтиёжининг роли.

Карьерани бошқариш. Карьеранинг турлари ва амалга ошириш босқичлари. Карьерани танлаш, режалаштириш ва уни амалга ошириш.

Гуруҳлар ва уларнинг аҳамияти. Жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш босқичлари. Меҳнат жамоаси.

Ҳокимият ва таъсир. Ҳукмронлик турлари. Таъсир этиш усуллари. Харизма.

## **Низо ва стрессни бошқариш**

Низо, унинг келиб чиқиш сабаблари ва турлари. Низоларни бошқариш. Низоларнинг вазифалари. Ички шахсий низо. Шахслараро низо. Шахс ва гуруҳ ўртасидаги низо. Гуруҳлараро низо. Низоларни бошқариш. Стресс ва унинг сабаблари. Стрессни бошқариш.

## **Бошқарув ваколатлари**

Ваколат ва унинг зарурияти. Ваколат ва масъулият. Ваколатларни узатиш. Бошқарув ваколатларининг турлари.

## **Менежментда ахборот ва коммуникация**

Ахборот ва унга қўйиладиган талаблар. Ахборотлар тизими. Коммуникацион жараён. Ташкилот ва ташқи муҳит ўртасидаги коммуникациялар. Ишлаб чиқариш ва бошқарув босқичлари бўйича бўлинмалар ичидаги коммуникациялар. Ташкилий коммуникациялар. Шахслараро коммуникациялар. Бўлимлар ўртасидаги коммуникациялар. Норасмий коммуникациялар. Коммуникацион тармоқларнинг намуналари.

## **Менежмент қарорларини қабул қилиш**

Менежмент қарорларининг моҳияти ва хусусиятлари. Менежмент қарорларига қўйиладиган талаблар. Менежмент қарорларининг турлари. Менежмент қарорларини қабул қилиш босқичлари.

Менежмент қарорларини оптималлаштириш усуллари. Оптимал бошқариш ва бажариш назоратини ташкил этишда менежернинг роли.

## **Менежмент тизимида тадбиркорлик ва бизнес**

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари. Корхона-бозор иқтисодиёти тизими сифатида. Иқтисодиётнинг бошқариш тизими ва тадбиркорлик.

Тадбиркорлик турлари. Бизнес-режа, унинг моҳияти ва тузилиши. Бизнес-режани тайёрлаш ва ундан фойдаланиш. Бизнес-режанинг тузилиши: ишлаб чиқариш, маркетинг, менежмент, таваккалчилик турлари, молиявий режа ва бошқалар. Бизнес-режанинг якунловчи бўлими.

Бизнес-режа тузишда қўлланиладиган ҳужжатларнинг турлари. Резюме, маҳсулот якка хизмат турлари, товар етказадиган бозор, маркетинг стратегияси, ишлаб чиқариш дастури, корхонанинг ташкилий-режали шакли, молиявий режа. Бизнес-режани бажарилиши устидан назорат.

## **Стратегияни бошқариш**

Стратегия тушунчаси, унинг мазмуни. Стратегик режа ва унинг босқичлари. Стратегик бошқариш мақсади. Стратегияни белгилашга таъсир этувчи омиллар: ички омиллар, ташқи омиллар. Стратегик бошқаришнинг беш вазифаси. Компания миссияси. Миссияни вазифага айлантириш. Стратегик бошқариш тамойиллари. Стратегиянинг ташкилий даражалари.

Корпоратив стратегия. Ишбоп стратегия. Функционал стратегия. Амалий стратегия. Стратегия турларининг ўзаро боғлиқлиги. Стратегия яратишда миссия, мақсадлар, стратегиялар бирлиги. Голиб стратегия мезонлари. Рақобат курашида устунлик.

### **Ижтимоий менежмент**

Бозор шароитида ижтимоий сиёсат. Ижтимоий дастур ва унинг менежментдаги ўрни. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари. Меҳнат бозори. Ижтимоий бошқарув объекти. Жамоанинг ижтимоий ривожланиши. Инсон хулқи омиллари тизими. Гуруҳлар ва уларнинг аҳамиятлари. Хоторн тажрибалари. Менежмент назариясига Хоторн тажрибаси таъсири. Ижтимоий тадқиқотлар натижаларининг менежментда қўлланилиши. Менежментда инсон омили. ҳозирги шароитда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг хорижий тажрибалари.

### **Менежмент самарадорлиги**

Бошқариш самарадорлиги-иқтисодий категория сифатида. Бошқариш самарадорлигини ошириш-бозор иқтисодиётининг муҳим шarti.

Иқтисодий ва ижтимоий бошқарув самарадорлиги тушунчалари. Бошқарувнинг иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари.

Бошқарув самарадорлигини ошириш омиллари ва резервлари. Бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари. Бошқарув самарадорлигини ошириш лойиҳаларини иқтисодий асослаш.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарраққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарори.

7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016 – 48 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

10. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2013. - 433 б.

11. Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2013. - 230 б.

12. Қосимова Д.С. Менежмент назарияси. Дарслик. –Т.: Тафаккур бўстони, 2011.-335 б.

13. Зиявитдинова Н.М., Хайитов Ш.Н., Ўринов Й.М. Менежмент. Дарслик. Т.: “Тафаккур бўстони”, 2019.

14. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник для вузов. 3-е изд. – СПб.: Питер, 2008.

15. Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: Учебник для вузов по экон. спец. и направл. – Третье изд. – М.: Гардарика, 2008.

16. Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.

17. Дафт Р. Менеджмент. 6-е изд./ Пер с англ. – СПб.: Питер, 2007.

18. Кравченко А.И. История менеджмента: Учебное пособие для вузов. – 7-е изд. – М.: Академический Проект; Альма Матер, 2012.

19. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. – М.: Дело, 2012.

20. Низамов А.Б., Ражабова С.Ф. Менежмент. Ўқув қўлланма. Тошкент, Янги аср авлоди, 2006, 168 б.

21. Низамов А.Б. Таълим менежменти ва раҳбарлик маҳорати. ўқув-услубий қўлланма. Тошкент, “Reliable print”, 2016, 129 б.

22. Основы менеджмента: учебное пособие/ Л.В. Плахова, Т.М. Анурина, С.А. Легостаева и др. – М.: КНОРУС, 2007.



23. Семенов А.К., Набоков В.И. Основы менеджмента: – М.: ИТК «Дашков и К», 2010.
24. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент– М.: АО «Бизнес школа «Интел-Синтез», 2008.
25. Гулин. В.Н. Информационный менеджмент: Учебный комплекс. - Минск: Современ. шк., 2009.
26. Ламбен. Ж.Ж., Чумпитас Р., Шулинг И. Менеджмент, ориентирований на рынок. 2-е изд. /Пер. с англ. Под. ред. В.Б. Копчанова.- СПб.: Питер, 2008.
27. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник. 3- изд.- СПб Питер, 2009.
28. Ермаков В.П., Макиев З.Г. Менеджмент для студентов вузов. – Изд. 5-е. - Ростов н/Д: Феникс, 2008.
29. Коноплев С.П., Коноплева В.С. Менеджмент продаж: Учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2009. 27. Гончаренко Л.П. Менеджмент инвестиций и инноваций: учебник. – М.: КНОРУС, 2009.
30. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С. Международный менеджмент: Учебник. 4-е изд.- СПб.: Питер, 2008.
31. Иваненко А.Г. Инновационный менеджмент: учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2009.
32. Стратегический менеджмент. / Под ред. А.Н. Петрова.- СПб.: Питер, 2010.

### **Интернет сайтлари**

[http:// www.gov.uz](http://www.gov.uz)  
[http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)  
[http://www.mineconomy.uz.](http://www.mineconomy.uz)  
<http://www.mf.uz>  
<http://www.stat.uz>  
<http://www.solliq.uz>  
<http://www.cbu.uz>  
[http://www.wordbank.org.](http://www.wordbank.org)  
[http://www.ebrd.org.](http://www.ebrd.org)  
<http://www.imf.org>